ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг

«ЖАХОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ»

номли асарини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таклими ўкув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиклаштирувчи Кенгаш томонидача олий ўкув юртлари учун ўкув кўлланма сифатида тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйнча ўкув кўлланма. — Т.: Иктисодиёт, 2009. — 120 б.

Кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлиги тавсиясига кўра таьлим тизимига жорий килинаётган махсус ўку в курси учун мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жахон молиявий-иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарининг асосий мазмуни баён этилган.

Президентимиз томонидан асарда кенг эьтибор каратилган жахон молиявий-иктисодий инкирозининг мазмуни, келиб чикиш сабаблари ва **Узбекистонда** салбий таъсири окибатлари, ИНКИ**Т**О03 таъсипи оки батларининг оддини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омилдар. мамлакатимиз иктисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил эттириш борасида кулга киритилаётган ютуклар, давом VCTVBOD йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни хал этиш йўллари тўгрисила талабаларга билим бериш максадида асосий масалалар атрофлича ёритиб берилган.

Ушбу ўкув кўлланма олий ўкув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга кўлланмадан ўкитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадкикотчилар, республикамизда олиб борилаётган иктисодий ислохотлар жараёнларига кизикувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: и.ф.д., профессор Б.Ю.Ходиев

и.ф.д., профессор А.Ш.Бекмуродов

и.ф.н., доцент У.В. Гофуров и.ф.н., доцент Б.К. Тухлиев

Такризчилар: и.ф.д., профессор Н.М.Махмудов

и.ф.д., профессор Ш.Ш.Шодмонов и.ф.д., профессор Б.Б.Беркинов

МУНДАРИЖА

Сўз боши	
Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари	
I бўлим. Жахон молиявий инкирозининг Ўзбекист	
иктисодиётига таъсири хамда унинг окибатларини олдини олиш	
омшатинна асос бўлган омиллар	
1. Жахон молиявий инкирозининг мохияти, келиб чикиш сабабла	
ва салбий окибатлари	
2. Ривожланган мамлакатларнинг жахон молиявий инкирозил	(ан
чикиш борасидаги чора-тадбирлари	
3. Жахон молиявий инкирозининг Ўзбекистон иктисодиёти	ига
таьсири хамда унинг окибатларини олдини олиш ва юмшатишга ас	coc
бўлган омиллар	
II бўлим. Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш	ни
модернизация килиш, техник янгилаги ва диверсификация кили	ш,
инновацион технологияларни кеиг жорий этиш – Ўзбекистон уч	yн
ин <mark>кирозни бартараф этиш ва жахон б</mark> озорида янги марралар	га
чикишнинг ишончли йўлидир	
1-боб. 2008 йнлда иктисодиётимиз юкори ўсиш суръатларини	ІНГ
изчил таъминааниши	
1.1. 2008 йилда мамлакатимиз иктисодиётида эришилган асос	ий
натижалар хамда изчил риво жланишнин г мухим омиллари	• • •
1.2. Мамлакатимизда ахоли даромадлари ўсишини таьминла	ш,
ташқи савдо хамда экспорт сохасида қўлга киритилган ютуқлар	
1.3. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қул	тай
инвестиция мухитининт ярат илганлиги	
1.4. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни	ИНГ
натижалари	
1.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш	ва
сервис, касаначилик сохаларининг барқарор ривожланиши	
1.6. Банк-молия тизими фаолиятини мустахкамлаш ва сиф	þат
жихатидан такомиллаштириш борасида эришилган натижалар	
2-боб. Инкирозга қарши чоралар дастурини изчил амал	та
ошириш – мамлакатни ижтимонй-иктисодий ривожлантиришни	THL
энг устувор йўналиши	••••
2.1. 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул килинган Инкиро	
қарши чоралар дастурининг мазмуни ва ахамияти	
2.2. Инкирозга карши чоралар дастурила белгиланган компло	екс

чора-тадбирлар орқали қал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар 2.3. Ишлаб чикаришни махаллийлаштириш, озик-овкат ва бошка	55
истеъмол товарлари ишлаб чикаришни кенгайтиришни	
рағбатлантириш	63
3-боб. «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат	
дастурининг ахамияти ва асосий йўналишлари	67
3.1. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг	
асосий йўналишлари	67
3.2. Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш хамда	
кишлокларимиз киёфасини ўзгартиришта қаратилган чора-тадбирлар	72
3.3. Қишлоқда ижтимоий соха ва иплаб чикариш инфратузилмасини	
ривожлантиришни жадатлаштириш	75
3.4. Қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг ахамиятини	
ошириш, фермер хўжаликлари ривожини хар томонлама кўллаб-	
кувватлан	7 7
4-боб. Таркибий ўзгаришларни ва иктисодиётни	
диверсификация килиш жараёнларини давом эттириш, хизмат	
кўрсатиш ва кичик бизнес сохасини янада ривожлантириш -	
устувор вазифа	82
4.1. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иктисодиётни	
диверсификация килиш жараёнларининг давом эттирилиши	82
4.2. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-	
тадбирларнинг янада кучайтирилиши	88
4.3. Хизмат кўрсатиш сохасини жадал ривожлантириш борасидаги	
мухим вазифалар	91
5-боб. Ишлаб чикариш ва ижтимоий инфратузилмани	
ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш-	
мамлакат ни модернизация килишнинг мухим омили	94
5.1. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада	~ .
ривожлантирии дастурининг мохияти ва асосий вазифалари	94
5.2. Ижтимонй инфратузилма объектларини ривожлантириш ва	
ободонлагитириш ишларини кучайтириш – ахоли фаровонлигини	1.00
оширишнинг асоси.	100
5.3. Банк тизимини ривожлантириш ва мустахкамлаш борасидаги	100
ипларни янада чукурлаштириш ва кенгайтириш	102
5.4. Банкларда омонагларнинг купайишига, уларнинг банк тизимига	
жалб этил ишига тўскинлик килаётган омилларни бартараф этиш чора-	100
тадбирлариФойдаланилган адабиётлар	108
	111
Илова. «Кишлок тараккиёти ва фаровонлиги йили» давлат	
дастурида белгилаб берилган мухим чора-тадбирлар	113

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иктисодиётни шакллантириш борасида амалга оппириб келинаёттан ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмокда. Жумладан, киска вакт ичида иктисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ахоли даромадларининг ўсишини таъмиплаш, самарали ташки савдо хамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, кишлок хужалигини ислох килиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасини баркарор ривожлантириш, банкмолия тизими фаолиятини мустахкамлашда ахамиятли ютуклар кулга киритилди.

Ўзбекистопнинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавкеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз рахбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чикилганлиги, иктисодий ислохотлар максади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аник ва тўтри кўрсатиб берилганлиги бош максад йўлидаги ютук ва марраларнинг салмокли бўлишига имкон яратди.

Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иктисодий тараккиёти ўзининг маьно-мазмуни жихатидан олдинги боскичлардан кескин фарк калади. Бунда энг асосий ва мухим жихат — миллий иктисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халкаро майдондаги ракобатнинг хам кескинлашувига, хар бир мамлак атнинг халкаро мехнат таксимотидаги ўз мавкеини мустахкамлаш учун курашининг кучайишига хам таъсир кўрсатади.

Бирок, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жахон иктисодиётига интеграцияланнув ва глобаллантувнинг ижобий томонлари билан бир каторда маълум зиддиятли жихатлари хам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иктисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш жихатидан тахдидларнинг тафовутнинг. экологик кучайиб бориши, мамлакатларда ахоли сони ўзгаришининг кескин фаркланиши каби **ТЕ**ИНИПИКАЖЎХ жахон TNILZR тизим сифатида ривожланишига тўскинлик килади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жихати – жахоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-икгисодий ларзаларнинг равищда бошка муқа ррар мамлакатларга хам ўз таъсирини ўтказиши хисобланади. хамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инкироз хам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий окибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда

жахон молиявий инкирози окибатларининг таъсирини хар томонлама хисобга олишимиз, иктисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакілантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз такозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз «Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон И.Каримовнинг глароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарларида кенг ва батафсил баён килиб берилган. молиявий-иктисодий инкирозининг мазмун-мохияти, намоён глакллари, келиб чикиш сабаблари, унинг Узбекистон иктисодиётига таъсири, мазкур инкироз окибатларини олдини олиш ва юмшатишта асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз мехнатканплари учун гоят мураккаб ва оғир бўлинша қарамай 2008 йилла эришилган ижобий натижа ва ютуклар бахоланиб, республикамиздаги иктисолий салохиятлан янала кенгрок фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инкирозни бартараф этиш ва жахон бозорида янги марраларга чикишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мулжалланган иктисодий дастурнинг куйидаги энг мухим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

- 1) мамлакатимизда кабул килинган 2009-2012 йилларда жахон и ктисодий инкирози окибатларининг олдини олиш ва бартараф килиш бўйича инкирозга карши дастурни амалга ошириш, шу асосда иктисодий ўсишнинг узок муддатли баркарор сурьатларини ва иктисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;
- 2) гаркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иктисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халкаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташки бозорларда талаб юкори бўлган ракобатбардошли махсулотлар ишлаб чикаришга йўналтирилган и ктисодиётнинг энг мухим тармокларини модернизация килиш, техник ва технологик жихатдан кайта жихозлаш йўли билан амалга ошириш;
- 3) киплок турмуши сифатини ва киёфасини тубдан яхшилаппа, киппок жойларда ижтимоий ва пплаб чикариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг макоми, ўрни ва ахамиятини тубдан кайта кўриб чикиппа. фермер хўжалигини ривожлантиришни хар томонлама кўллаб-кувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чукур богланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;
- 4) ахоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оппиришнинг энг мухим омили сифатида хизматлар кўрсатиш сохаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;
- 5) мамлакатни модернизация қилиш ва ахоли бандлигини оширишнинг энг мухим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллатштириш, ахоли ва хўжалик критувчи субъектларнинг бўшт маблагларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб кили шини ракбатлантиришт.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон баркарор мутаносию ривожлантирици, иктисолиётини ва бозордарида мустахкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иктисодий ўсишни таьминлаш, халкимизни нг хаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги ва зифаларни тулик ва самарали амалга оппириш энг аввало жамиятимиз азьзолари томонидан уларнинг мазмун-мохиятини теран ва чукур англаб етилишини такозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига кура Президентимиз И.Каримовнинг «Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чукур ва хар томонлама ўрганиш. унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларни нг туб мохиятини англаш, 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим йўналишларини билиш максадида мазкур махсус курснинг жорий этилганлиги мухим ахамият касб этади.

Олий таълим тизимида махсус курсни ўкитицда профессорўкитувчилар хамда талабаларга амалий ва услубий жихатдан кумаклашиш максадида ушбу ўкув кулланма тайёрланди. Укув кулланма Президентимиз асаритнинг мазмуни ва таркибий тузилишидан келиб чиккан холда 2 та булимдан иборат холда ёзилган. Бунда асарда баён этилган масалалар ва муаммоларнинг мантикий изчиллиги тулик хисобга олинган.

Президентимиз томонидан асарда баён этилган фикр-мулохазалар, илгари сурилган муаммолар ва уларни хал этиш йўлларини талабаларга янада кенгрок ва чукуррок тушунгириш максадида ўкув кўлланмада ўзбекиетон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Иктисодиёт вазирлиги, Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банки ва бошка катор вазирлик ва идораларнинг маълумогларидан, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, ту ман ва шахар хокимларининг 2009 йил 14 январь — 1 февралдаги минтакавий семинарлари материалларидан кенг фойдаланилган.

Ушбу махсус курсни кенг ўрганишга ёрдам берувчи электрон-визуал ва интерактив воситалар, жумладан, «Иктисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йндда чоп этилган «Оммабоп иктисодиёт: мохияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшисва Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп кўлланма, «Ўзбекистон иктисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Хамидов О.М., Гафуров У.В. ва

И.У.Неьматов, ўзбек тилида) экспресс-проспекти. «2008 йилда Республикани ижтимойй-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалар и тўгрисида» (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) экспресс-тестлар хамда уларнинг электрон-визуал версияларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу материаллар ҳамда уларнинг электрон версиялари махсус курс дастурига илова килинади.

ЎҚУВ КУР СИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўқув курсининг мақсади: Президептимиз Ислом Каримовнинг «Жақон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этипининг йўллари ва чоралари» номли асарининг асосий мазмуни ва унда кўрил ган масалалар бўйича кенг тасаввур ва билим қосил килип.

2. Укув курсининг вазифалари:

- талабаларда жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, унинг келиб чикиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва таъсир окибатлари тўгрисида кенг тушунча ва тасаввурлар хосил килиш;
- жахон молиявий-иктисодий инкирозининг Ўзбекистонга таъсири, унинг окибатларини олиш ва юмгиатишга асос бўлувчи омиллар тўгрисидаги билимларни шакллантирин;
- жахон молиявий-иктисодий инкирозининг олдини олиш, унинг таъсир окибатларини бартараф этишда фаол ва онгли равишда иштирок этиш мамлакатимиз хар бир фукаросининг бурчи эканлигини англаш;
- талабаларда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуклар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари, муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар динамикасидаги асосий тенденциялар тўгрисида кенг билим ҳосил килиш;
- мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуқлар мазмун-мохиятини тушунтириш орқали талабаларда миллий турур ва ватанпарварлик туйтусини янада мустахкамлаш;
- мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар тўгрисида тасаввур хосил килиш ва уларни хал этиш йўллари борасида талабаларни мустакил фикрлашга ўргатиш;
- ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашнинг кўп омилли ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй бераётган ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни терап таҳлил килиш ва баҳолаш кўпикмалари ни шакллантириш;
- мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаринплар, янгиланишлар ва чукур ижтимоий-иктисодий жараёнларга нисбатан талабаларда ўзларининг хар томонлама асосланган, объектив, реал нуктаи-назарлари ҳамда қарашларининг тўгри асосда ишлаб чикилишига йўналтириш;
- . мамлакатимиз иктисодиётининг ривожланиш тенденциялари, унинг турли тармок ва со каларини янада тараккий эттириш имкониятлари, кудудларнинг ишга солинмаган ички салокиятлари тўгрисида косил килинган билимларни амалиётда кўллаш борасида дастлабки ўкув-амалий кўникмаларни косил килиш;
- республиками зда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислохотлар хамда улар натижасида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг

барчаси инсон манфаатларини рўёбга чиқариш максадига йўналтирилганлигини англаш, ёшларнинг жамиягимиздаги ўрни ва ролини чукур хис килишни таъминлаш асосида ўкувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш.

І БЎЛИМ. ЖАХОН МОЛИЯВИЙ ИНКИРОЗИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИКТИСОДИЁТИГА ТАЬСИРИ ХАМДА УНИНГ ОКИБАТЛАРИНИ ОЛЛИНИ ОЛИШ ВА ЮМШАТИШГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

1. ЖАХОН МОЛИЯВИЙ ИНКИРОЗИНИНГ МОХИЯТИ, КЕЛИБ ЧИКИШ САБАБЛАРИ ВА САЛБИЙ ОКИБАТЛАРИ

Инсоният тараккиётининг хозирги боскичи глобал лашу в жараёнларининг жалал ривожланиши оркали тавсифланали. Глобаллашувни икти содий жихагдан қарайди ган бўлсак, хўжалигининг бутун маконини камраб олувчи иктисодий муносабатлар тизимининг ташкил толиши ва ривожланишини антлатади.

Глобатлаціув жараёнларининг кенгайини жахон мамлакатлари ўртасидати вктисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув нагижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турти кўринишдаги халкаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халкаро ишлаб чикариш кооперацияси ва мехнат таксимотининг нисбатан юкори даражага ўтиши, халкаро иктисодий ташкилотлар фаолиятининг янада ку чайиши рўй беради.

Умуман олганда, тлобаллашув жараёнлари жахон хўжалигининг яхлит иктисодий тизим сифатида ривожланишида сифат боскичи хисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бирок, глобаллатиув жараёнини мутлаклаштириш ва унга бир томонлама караш тўгри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жихатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига хам эга. Жахоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иктисодий ларзаларнинг мукаррар равишда бошка мамлакатларга хам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири хисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инкироз хам айнан тпу маънода глобаллашув жараёнларининг окибати хисобланади.

Пунга кўра, Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бопшанган жахон молиявий инкирози, унинг таъсири ва салбий окибатлари, юзага келаётган вазиятдан чикиш йўлларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жахон молиявий инкирозининг мазмун-мохияти,

Буг унги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жахон молшявий инкирози, унинг таъси ри ва салбий окибатлари, юзага келаётган вазиятдан чикиш йўлларини излашдан иборат.

И.Каримов (асардан).

келиб чикиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

«Бу инкироз Америка Қушма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида руй берган танглик қолатидан бошланди. Сунгра бу жараённинг микеси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яьни тулов қобилияти заифлашиб, молиявий инкирозга айланиб кетди.

Дунёнинг ет акчи фонд бозорларида энг йприк компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор киймати халокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чикариш ва иктисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғли к ишсизлик ва бошка салбий окибатларни келтириб чикарди» 1.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инкироз етарлича тўлов лаёкатига эга бўлмаган, карзларни кайтариш кобилияти шубхали бўлган карздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомижи, ипотека кредити ўзининг мохияти бўйича кўчмас мулк гарови хисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «максулот» хисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик холатлари эхтимоллигини оширди.

АКШ иктисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига оляб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг кимматлашуви ахолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг кисқаришига олиб келди. Бошка томондан, озик-овкат махсулоглари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши ахолининг кредитни кайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жахон бозоридаги озик-овкат махсулотларининг нархи ўртача икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражала, языни бир баррели 147 доллардан ортди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини кайтариши билан боглик муаммо кучайди. Қарздорларшиг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош гортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов кобилиятига эта бўлмаган мижозгарнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга кўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газегаларидан бири бўлган «Гардиан» жахон молиявий инкирозининг асосий айбдорлари рўйхатини эълон килди. Мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таникли сиёсатчилари

¹ Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнічні йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

ўрин олган бўлиб, унда инкироз факатгина иктисодиёт ривожланишининг навбатдаги харакатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

моли ячи-иктисодчилар вужудга молиявий хакики й сабабларидан сифатида ривожланган инкирознинг бири мамлакатларда иктисодиётни халдан зиёл ортикча эркинлаштириш сиёсатининт «меваси» эканлигини, яьни «ўз-ўзини бошкарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнин г миллий иктисодиётга ва хусусан бозорларга чекланганлиги билан молиявий аралашувини изохламокдалар.

Шу ўринда, жахон молиявий инкирозининг юзага келишида асосий сабаб - мольявий ресурслар билан реал ишлаб чикариш хажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши хисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи конунларидан маълумки, иктисодиёт соглом ва баркарор амал килиши учун му омалага чикарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар виглаб чикариш реал хажми ўртасида муайян нисбатга амал килиниши лозим. Бирок, миллий иктисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал килишига хам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АКШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур конунга риоя килишнинг заифлашувига, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка кадар олиб келди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жахон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш оркали и ктисодий муносабатларнинг баркарорлигига замин яратди. Бирок, жахон амалиётида 1976 йилдан бошкариладиган, сузиб юрувчи валюта тизимига ўтгач, пулнинг олтин мазмуни йўколиб, асосан АКШ доллари етакчи валкотага айлангач, унинг муомалага чикарилишини назорат қилиб бұлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллантуви таъсири да халкаро иктисодий алокаларда катьий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан хеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чикарилиш жараёнини янада тезлатиб юборди. Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (накд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чикариш реал хажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлитини хам хисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул микдоридан, яьни нулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англатали.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий саба бларидан ҳисобланади:

- норационал пул-кредит сиёсатини, хамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик холатга айланиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблаглари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;
- кимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари такдим этилипи;
- молиявий рагбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки микдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;
- юқори рискли ва мураккаб хосилавий кимматбахо қоғозларни вужудға келиши ва хоказо.

Президентимиз ўз асарларида дунёнинг хозирги вактда бир катор етакчи тахлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инкироз холатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган окибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида куйидаги хулосаларга келаётганлигини таькидлаб ўтдилар. Яьни, «Биринчидан, молия-банк тизимидаги инкироз жараёнлари деярли бутун дунёни олаётгани, рецессия ва иктисолий мукаррарлиги, инвестициявий фаоллик куламининг чекланиции. талаб ва халкаро савдо хажмининг камайиши, шунингдек, жахоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимонй талофотлар содир булиши мумкинлиги ўз тасдинини нопмокда»¹.

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет такчиллиги ва салбий ташки савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жахон молияви: инкирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири хисобланади (1.1-жадвал).

1.1-жадвал Дунёнинг айрим мамлакатлари ташки савдо сальдосидаги ўзгариндар (млрд.АКШ додд.)

ум аришлар (мирд.жиш дола.)						
Мамлакатлар	1996 й ил	2007 йил				
Ривожланган мамлакаттар, жами	46,2	-798,8				
АҚШ	-120,2	-854.7				
Япония	65,4	81,0				
Европа Иттифоки	88,5	-228,0				
Бошкалар	12,5	202,2				
Ривожланаёт ган мамлакатлар, жами	-87,5	509,7				
Хитой	7,2	562,0				
Якин Шарк ва Африка	5,9	311,0				
Бошкалар	-100,6	-363,3				

Жадвалдан кўринадики, 1996 йилда ривожланган мамлакатлар хиссасига 46,2 млрд. доллар хажмдага ижобий ташки савдо сальдоси тўгри келган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 798,8 млрд. доллар хажмдаги

¹ Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш нинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-6.

салбий сальдони, яьни такчилликни ташкил килган. Аксинча, бу даврда ривожланаёттан мамлакатларда бутунлай тескари манзара кузатили б, уларнинг 87,5 млрд. долл. хажмдаги салбий ташки савдо сальдоси 509,7 млрд. долл. хажмдаги ижобий ташки савдо сальдосига айланган.

Жахон иктисодиётида кузатилган бундай номутаносиблик холатлари, яъни ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташки савдо балансидаги йирик микдордаги такчилликнинг вужудга келиши ду нё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Якин Шарк мамлакатлари валюта захиралари кескип ўсди. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халкаро валюта захираларининг 3,4 трлн. доллари, яьни жами захираларининг карийиб 59% Осиёнинг 10 та йирик мамлакати хиссасига тўгри келмокда.


Аксарият халкаро эксиертларнинг эътироф этишларича 2007 йилда АҚШ ипотека бозорларида бошланган инкирознинг авж олиши ва уни жахон молиявий инкирозининг келиб чикишига фаол таъсирини АҚШнинг жахон ялпи ички махсулотининг асосий истеъмол килувчи си хисобланганлигини келтириб ўтишади. Маълумотларга караганда, АҚШнинг жахон ялпи ички махсулотини ишлаб чикишлаги хиссаси 20% ни ташкил килсада, унинг истеъмолидаги хиссаси карийиб 40%ни ташкил килали.

Ривожланган мамлакатлар, айникса, АҚШ давлат ташки қарзи микдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоги ўсганлиги инкирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди (1.1-расм).

1957 йилдаги Мексикадан хорижий инвестицияларни чикиб кетитпи билан боглик инкироздан етарли хулоса чикармаган АҚШ хукуматининг ташқи қарзлари ўсиб борди ва жами хукумат қарзларининг таркибида ташқи қарзларнинг салмоги қарийиб 44% дан ортиб кетди. Бу қол ат биринчидан, кредиторларнинг АҚШ миллий иктисодиётининг барқарорлигидан манфаатдорлигини ортишига ва Федерал бюджетнинг қарзлар амортизацияси ҳамда фоизларни тўлап учун қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича давлат харажатларининг ортишига ҳам олиб келди.

1.1-расмдан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустакил давлатлар хамдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташкари) ташки қарзларининг ялпи ички махсулотлар ига нисбатан салмоги ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташки карзларининг ялпи ички махсулотга нисбатан салмоги қарийб 90% ни ташкил килган. Бу кўрсаткич Россияда 37% ни, Қозогистонда 102% ни, Украинада 64% ни ташкил этган. Қиргизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81% ни ташкил килган.

Жахондаги айрим давлатлар ташки қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фонзда



1.1-расм


Бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмокда. Яъни, аматга оширилган окилона иктисодий сиёсат натижасида ташки карзларнинг ялпи ички махсулотдаги салмоги 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га кадар кискарган.

Дозирда кўплаб мутахассис ва экспертлар томонидан жахон молиявий инкироз линг глобал тус олиши ва иктисодий инкироз жараёнларининг кучайиши рецессия ва иктисодий пасайишни, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб боришини. талаб ва халкаро савдо хажмининг камайиши хамда жахоннинг кўплаб мамлакатларига таьсир кўрсатадиган жидлий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эьтироф этилмокда.

Хусусан, 2008 йилда жахон микёсида бевосита хорижий инвестициялар окими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жахон ялпи ички махсулотипинг насайинии, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилини хамда халкаро савдо хажми карийб 15% га насайиши эхтимот килинмокда. Бу холат эса ишензлик даражасининг ортиши былан боглик жиддий ижтимонй муаммоларни келтириб чикариши мумкин (1.2-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, жахоннинг ривожланган мамлакатпаридаги ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмокда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилмокда. Бу ўз-ўзидан ижгимоий трансфертларнинг кўпайиши хисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади.

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда инисизлик даражаси ва 2009 йил истикбол курсаткичлари



1.2-расм

Шунга кўра, хукуматлар даражасида инкироздан чикиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чикишда бандлик масалалариии, талабни разбатлантириш оркали ишлаб чикариш кўламини кенгайтиришга каратилган кескин чораларни кўриш масаласини кўндаланг килиб кўймокда.

Президентимиз ўз асарларида молиявий инкироз холати ва унинг таъсирида келиб чикиши мумкин бўлган окибатларга доир фикрларини давом эттириб. навбатдаги хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инкироз жахон молия-банк тизимида жиддий нуксонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислох килиш зарурлигини кўрсатди. Айни вактда бу инкироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва кимматбахо когозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўклигини хам тасдиклади»¹.

АҚШ Федерал захира хизматининг собиқ райси Алан Гринспен бошчилигида АҚШ федерал захира тизими томонидан олиб борилган норационал пул-кредит сиёсати, ҳамда қайта молиялаштириш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди. Федерал захира тизимининг экспансион пул-кредит сиёсати тижорат банкларига тақдим этадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини 1,25%гача пасайтирилишида намоён бўлган эди.

¹ Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-6.

Алан Гринспеннинг ипотека бозорларига эътиборсизлиги, ипотека кредитлари бериш талабларининг хаддан зиёд эркинлаштирилиши натижасида бозорда кўчмас мулкларга талаб ортди ва уй-жой бозорида нархларнинг киска муддат ичида кескин ўсиши кузатилди.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиклиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу холат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёкатлик даражасининг хисобга олинмаслигига имкон яратди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан амалдаги банк капиталини халкаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инкирозни вужудга келипи учун замин яратганлиги эьтироф этилмокда. Маълумки, 90йилларнинг бошила кабул килинган банк капиталини халкаро тартибга солишнинг Базель II тизими гижорат банклари учун талаб килинадиган ёки капиталнинг етарлилиги активларнинг инвестицион капитал сифатлари ва уларнинг риск даражаси бўйича гурухлашни кўзда тутади. Базель II банк капиталларини рейтинг агентликлари асосланган хулосаларига холла юкори рискли активларни секьюритизациялаб, кимматли коғозларга айлантиришни рагбатлантирган.

Оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотларга кура, Moody's, Standard & Poors ва Fitch каби рейтинг агентликлари рискли ипотекага асосланган кимматли когозларга ААА рейтингини берганлиги билан инкирозга уз хиссасини кушганликда айбланмокдалар. Мазкур рейтинг агенликлари томонидан ипотека бозорларидаги кимматли когозлар буйича берилган хулосаларига асосланиб фаолият юритаётган тижорат банклари ва барча ипотека кредитларининг 70% ни такдим этувчи давлат ипотека агентликлари (Freddie Mac (the Federal Home Loan Mortgage Corporation) ва Fannie Mae (the Federal National Mortgage Association)) активлари сифат курсаткичларининг пасайиши кузатилди ва, пировардида, улар тулик давлат назоратига ўтди.


Юкоридаги холатлар молия-банк тизимида жиддий нуксонлар мавжудлигини, шунга кура, ушбу тизимии тубдап ислох килиш оркали янги, соглом молиявий тизимии шакллантириш зарурлигини тасдикламокда.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инкироз қолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган окибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиккай куйидаги учинчи хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Учинчидан, молиявий-иктисодий инкирознинг хар кайси давлатдаги микёси, кўлами ва окибатлари кандай бўлиши кўп жихатдан бир канча омиллардан келиб чикади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоглик мустахкам эканига, миллий кредит институтларининг кай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнінг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек,

олтин-валюта захирасининг хажми, хорижий кредитларни кайтариш кобилияти ва пировард натижада — мамлакат иктисодиётининг баркарорлик, диверсификация ва ракобатга бардошлик даражасига боглик».

ХХ асриинг охирларида бошланган ва хозиргача давом этиб келаётган глобаллангуви. бозорларнинг капиталлар халкаро харакатининг эркинлаштирилиции натижасида АҚШ бозорларида вужудга инкироз дунёнинг бошка мамлакатларига хам кенг ейилди. АКШ банклари ва ипотека агентликларининг кимматли когозларига күйилма килинган хорижий инвесторлар молиявий холатига жиддий таъсир курсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иктисодиётига хам ўз таъсирини ўтказди. АКШ молия бозорларидаги и нкироз жа хоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир килди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanhai composite, РТС, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал модиявий бозорнинг асосий таркиби ва жахоннинг асосий модиявий марказлари хисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иктисодиётига жиллий таъсир кўрсатди. ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш сурьатлари кейинги йилларда ахамиятли даражада пасайиб кетди (1.3-расм).

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истикбол кўрсаткичлари



1.3-расм

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, жахоннинг ривожланган мамлакатларидаги иктисодий усиш суръатларида кескин узгариш содир булган. Инкироздан жиддий азият чекаётган Буюк

¹ Каримов И.А. Жахон молиявий нқтисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни нт йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009, 5 б.

Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички махсулотни ишлаб чика ришида 2008 йилга нисбатан 0,1% ва 0,2% га пасайиш кутилмокда.

Жахон молиявий инкирози МДХ мамлакатларини хам четда колдирмади. Инкроз Россия, Украина ва Қозоғистонда ўзининг жиддий салбий окибатларини намоён килди.

Россияда асосан иктисодиётнинг реал секторида фаолият юритувчи етакчи компаниялар акцияларининг нархлари кескин тушиб кетди. Бу холат биринчи навбатда жахон энергетика ресурслари бозоридаги нобаркарор конъюнктуранинг вужуга келиши натижасида содир бўлди.

«Қозогистон иктисодий мўъжизаси» деган ном билан танилаёттан Қозоғистондаги «очик иктисодиёт» сиёсати ва стихияли тавсифга эга бўлган жахон иктисодиётига интеграциялашув жараёни глобал молиявий инкироз шароитида ўзининг жиддий камчиликларига эгалигини кўрсатди.

Экспертларнинг фодитає этишларича, Козогистонда фаолиятини назорат килувчи органлар фаолиятининг етарли даражада ташкил килинмаганлиги натижасида банк тизимининг ташки карзлари тижорат банклари мажбуриятлари таркибида шундай даражагача етиб бордики, натижада мамлакат иктисодиётининг мавжуд холати уларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлмай қолди. Банклар томонидан ташки кредит ресурслари хисобига, биринчидан, кредитларни ўз вактида кайтара олиш лаёкати шубхали бўлган қарздорлар учун, иккинчидан кўчмас мулклар бозоридаги спекулятив максадлардаги фаолият учун кредиглар берилиши банк-молия тизимининг баркарорлигига путур етказди. Натижада Қозоғистонда ҳам күчмас мулк объектлари нархларининг маълум бир муддат давомида сунъий равишда кўтарилиши содир бўлди ва бу холат узоқ давом этмасдан, кредит бозоридаги дефольт холатини юзага чикарди.

Ипотека бозоридаги сунъий шакллантирилган юкори нархларнинг кескин тушиб кетиши ва иктисодиётдаги таназзулли холатлар катор банклар ва корхоналарнинг инкироз чегарасига олиб келди. Капиталларнинг четга чикиб кетиши, сузиб юрувчи курслар бўйича олинган ташки қарзларнинг кимматлашуви банк тизимидаги муаммоларда ўз ифодасини топди ва улар активлари сифатининг пасайили Козогистоп банкларининг халкаро кредит рейтингининг пасайиб кетишига олиб келди.

Қозирда айрим таҳлилчилар, Қозогистон ҳукуматининг инқироз оқибатларини юмшатиш буйнча кураеттан чора-тадбирлари мамлакат банк тизими фаолиятини қайта тиклаш учун етарли эмаслигини эьтироф этмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки, хозирда ривожланиб бораёгган молиявий инкироз инфляция, катор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таьсирида ишсизлик, ишлаб чикариш суръатларининг пасайнши ва бошкалар негизида иктисодий инкироз шаклида кучайиб бормокда. Бундан кўринадики, хозирги жахон молиявий инкирозининг

2. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖАХОН МОЛИ**Я**ВИЙ ИНКИРОЗИДАН ЧИКИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛ АРИ

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инкироз холатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган окибатларига доир материалларии ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чикарилган тўртинчи хулосани куйидагича баён этдилар: «Тўртинчидан, жахон молиявий инкирозидан имкон кадар тез чикиш, унинг окибатлариши енгиллаштирини кўп жихатдан хар кайси давлат допрасида ва умуман, дунё хамжамияти микёсида кабул килинаёттан чора тадбирларнинг канчалик самарадорлигита, уларнинг бир-бири билан уйгунлигига боглик»¹.

Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда. жахон ялии махсулотининг 85 фоизи ишлаб чикарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал моли явий инкирознинг. тобора кенгайиб кўлами бораётганини тасдиклагани, ушбу саммитда бўлиб ўтган мухокамалар бугун жахон молиявий инкирозининг олдини олити хакида

Жахон молиявий инкирозининг хар мамлакатга таъсири. куриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнині: молиявий-икти солий банк тизимларининг нечоглик баркарор ишончли эканига, уларнинг **КОМИХ** мех анизмларн канчалик кучли эканига богликлигини исботлашга хожат йўк.

И.Каримов (асардан).

эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таккидлаб ўтдилар.

Жахон молиявий инкирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислох килин зарурлигини келтириб чикарди. Шунга кура, АҚШ ва Европа Иттифоки мамлакатлари узларининг банк тизимларини инкироздан куткариш учуп йирик тижорат банк ларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет мабланлари хисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ хукумати иктисодиётта йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собик молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қилади.

Европа Иттифоки мамлакатлари инкироздан чикиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга

¹ Каримов И.А. Жахон молиявий иктисодий инкирози, Ўзбекистон шаронгида уни бартараф этишнинг йўдлари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистоті, 2009. 6-б.

келициб олишди. Бу қолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга такдим этилади ва хукумат банкларнинг имтиёзли акциял арини сотиб олиш оркали уларни кўллаб-кувватлаш имкониятларига эга бўлади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўгридан-тўгри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни таминлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия хукумати банклар ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблагларини инвестиция килишини эълон килди. Германия хукумати эса, банк тизимини куллаб-кувватлаш учун капитал ва кредитлар буйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратилини эълон килди. Австралия хукумати эса барча жамғармачилар пул жамгармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон килди ва ипотека кимматли қогозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди (1.2-жадвал)¹. Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонилан сотиб олинди.

1.2-жадвал Жахон мамлакатларининг инкирозга қарши курашға сарфланган молиявий харажатлари

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакаг ЯИМга нисб. % хисобида (2008 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚІЦ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Инкироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатнар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳакидаги идеологик догмани орқага танплаб, иқтисодиётни давлат томонидан гартибга солиш усулларидан кенг фойдалана бошпадилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бериши мумкин.

Дозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инкирозга қарши кураш бўйича йирик микдорда молиявий ресурслар ажратилмокда. Уларнинг хажми ва ялпи ички махсулотга нисбатан салмоги инкирозпинг

22

¹ Манба: Интернет маълумотлари.

таъсир кўлами ва хар кайси мамлакатларнинг инкирозга карши кураш бўйича ишлаб чиккан режалари хажмига асосланади.

Юқоридаги жадвал маълумстларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблагларнинг хажми 9400 млрд. долларни ташкил килган. АҚШ хукумати сарфлаган маблагларининг хажми 3539 млрд. долларни ташкил килган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички махсулотининг 25% ни ташкил этади.Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички махсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил килган. Бундан кўринадики, хозирги шароитда инкироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпрок азият чекмокда.

Инкирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чикилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблаглар маълум максадли сарфланиш йў налишларига эта (1.3-жадвал).

1.3-ж адвал Инкирозни бартараф этишга ажратилган маблагларнинг йўналишлари

Мамлакат	Кредит мабланларига давлат кафолати		Молиявый институтлар устав капиталиа рига қүйнималар		Юкори рискли, шубхали активларнинг хариды		цалар	Жами	
	млрд. долгі.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	м.лрд. долл.
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	3 93	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	_	-	176	20	893
кинопК	303	5 3		-		-	237	47	576
Хитой		-	-	-		-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, инкирозни бартараф этишга сарфланган жами маблаглар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил килди. Кредит маблагларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблаглардаги салмоги 44% ни ташкил килган, мол иявий институтлар устав капиталига максадли куйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил килган булиб, уларнинг салмоги 17% ни ташкил килган. Юкори рискли шубхали активларни харид килип учун сарфланган маблаглар хажми 674 млрд. долларни ташкил килиб, уларнинг жами ажратилган маблаглардаги салмоги карийиб 10% ни ташкил килмокда.

3. ЖА ХОН МОЛИЯВИЙ ИНКИРОЗИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИКТИСО ДИЁТИГА ТАЪСИРИ ХАМДА УНИНГ ОКИБАТЛАРИНИ ОЛЛИНИ ОЛИШ ВА ЮМШАТИШГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

Шv **∀**ринда жахон молиявий инкирозининг мамлакатимиз иктисолиётига таъсири кандай бўлади, леган савол барча юртдошлар имизни кизиктириши табиийдир. Бу борада Презиленти мизнинг «...тобора чукурлашиб бораётган жахон молиявий инкирози мамлакатимизга таьсир курсатмайди, бизни четлаб утади, деган хулоса чикармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, а йтиш мумкинки, кечириб булмас хаго булур эди. Барчамиз бир хакикатни англаб етигнимиз лозим – Узбекистон бүгүн халқаро хамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий хисобланади» деган сўзларини яна бир бор эсга олиш мухимдир. Уз навбатида Узбекистоннинг глобалланув жараёнларидаги иштироки хам у шбу инкироз окибатларининг маытум даражада иктисодиётимизга ўз таъсирини курсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда, бошқа МДХ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишининг қандай тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатни ижтимойй-иктисодий ва сиёсий тараккиётини белгиланда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди.

Мамлака тимизнинг узок ва давомли манфаатлари такозо этган холатларда ва кескин вазиятлардан чикиш, улар туғдирадиган муаммоларии жал этиш зарур булганда иктисодиётда давлат томонибошкарув лан *<u>vevjija</u>pu* қўлланди ва бундай ёндашув охир-окибат да ўзини тўла оклади.

И.К аримов (асардан).

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб «Ўзбеки**с**тонда ўтганларилек. килинган ўзига XOC тохогои ва модернизация модели оркали ĭЗ оллимизга V30K ва давомли миллий манфаатларимизни амалга пиоищо вазифасини кўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишта қаратилған уринишлардан, бозор иктисодиёти ўзини ўзи солади, леган **ў**та жўн ва тасавы рлардан воз кечдик»².

Бирок, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инкирознинг республикамиз иктисодиётига таъсяри бошка ривожланган ва айрим кушни давл атлардатига қарағанда мазмунан фарк килади. Агар бошка мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия гизимининг издан чикиши ва

¹ Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни ба ртараф этиш нинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

² Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни ба ртараф этиш нинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-6.

пидищо каби амалга тамойиллар айникса авж олиб бораётган молиявий ва икгисодий инки роз шароитида үзин инг долзарблиги ва хаётийлигини яна бир кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги ку нда мамлакатим изни, аввало,

¹ Мамлакатимизня модернизация килиш ва янглилации изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктиколий ривождантириш якунлари ва 2009 йилга мўджалланган иктикодий дастурнинг энт мухим устувор йўналишларига багишланлан Вазирлар Махкамаси мажлисидаги макрузаси // Халк сўзи, 2009 йил (4 февраль.

иктисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация килиш, у нинг таркибий тузилишини диверсификация килиш борасида амалга оширилаётган, хар томонлама асосли ва чукур ўйланган сиёсат бизни инкирозлар ва бошка тахдидларнинг салбий таъсиридан химоя киладиган кучли тўсик, айтиш мумкинки, мустахкам ва ишончли химоя воситасини я ратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инкирознинг олдини олиш борасида иктисодиётимиздаги реал ахвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёк Инкирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга к иришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инкирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш буйича Инкирозга карши чоралар дастури тасдикланиб, тармоқлар ва ҳудудлар буйича аник ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳуқумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этитди.

Молиявий инкироз шароитида иктисодиётимизни баркарор ривожлантириці борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор мгухим фармон ва қарорлар орқали хам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иктисодий ночор корхоналарни молиявий согломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблагларини кенгрок жалб йўлга қўйиппа қаратилган «Иктисодиёт реал **ҚИЛИШНИ** корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги (2008 йил 18 ноябрь), жахон молия-иктисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармокларининг иктисодий ўсиши баркарор сурьатлари ва макроиктисодий мутаносиблиги хамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи күчи бандлигига экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи корхоналарини хамда кичик бизнесни аник манзилли куллаб-кувватлаппга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салохиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўгрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари штулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда куйидаги чоратадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- махаллий ишлаб чикарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши унсобита махсулот таннархини 20 фонздан кам булмаган микдорда пасайтириш оркали уларнинг ракобатбардошлигини таъминлаш;
- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортик маблаглар тижорат банклари устав жамгармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш оркали банклар томонидан экспорт килувчи корхоналарга, айланма мабла гларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

- иктисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринла рини яратиш максадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойихасини, яъни 4 каторли халкаро автомобиль й ўли курилипини амалга ошириш;
- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айпан япги ташкил килина ётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари оркали кўллаб-кувватлаш;
- махаллийлаштириш дастурига асосан тайёр махсулотлар итплаб чикариш микдорини 3,1 барюбарга ва шу борадаги лойихалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва хоказо.


Ўз мохиятига кўра ушбу чора-та дбирлар Инкирозга карши чоралар дастурининг мазмунини хам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлик амалга опприлиши жахон молиявий инкирози окибатларининг мамлакатимиз иктисодиётига таъсирини насайтира ди ва баркарор ривожланиш учун кулай шарт-пароиг ва имкониятларни яратади.

2.2. ИНКИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ОРҚАЛИ ХАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АС ОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Президентимиз ўз асарларида Инкирозіа карши чоралар дастуришинг конкрет бўлимлари — белгиланган комплекс чора-тадбирлар жакида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар оркали хал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корх оналарни модернизация килиш, жихозлашни янада технологик кайта жадаллаштириш, замо навий, мосдашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иктисолиётнинг асосий тармоклари, экспортга йўналтирилган ишлаб чикариш кувватларига тегишлидир. махаллийлаштирилалиган Шунга кўра, чибу тармоклардаги корхоналарни бир катор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мувофикдир (2.2.1 -раем).

Иктисодиёт реал секто ри корхоналарнии кўллаб-кувватлашнинг асосий йўналинлари



2.2.1 - расм.

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармокларида ишлаб чикаришни модернизация килиш, техник ва технологик кайта жихозлаш, халкаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чикилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмокда (2.2.1-жадвал).


2.2.1-жадвал Узбектистон Республикасида ишлаб чикилган ва амалга оширилаётган модернизациялаш дастурдари

N	иодернизац	имлаш	дастурі	тари		
		Лойих	.Пойихалар сони		Лойихалар киймати (млн. долл.)	
Модерныязация дастурлари	Қабул қилинган санаси	жамн	хорижий инвес- тиция ишти- рокида	имбж	хорижий инвес- тиция	Хорижий инвес- тиция улуши
Енгил сагноатни модерни- зация килтиш дастури	13.11.2006й.	66	61	466,9	452,45	96.9%
Пахтани қайта ишлаш саноатини модернизация килиш дастури	03.04.2007й.	41	•	125.4	-	-
Курилиш материаллари ишлаб читкариш саноатини модернизация килиш дастури	01.06.2007й.	36	7	343,06	160,12	46,7%
Ёғ-мой ва озиқ-овкат саноатины модерни-зация килиш дастури	12.06.2007й.	63	10	32,14	2,03	6,3%
«Ўзметь эмбинат» корхонасини модернизация килиш дастури	10.07.2007й.	9		49.04	-	-
Кимё саноатини модернизация килиш дастури	27.07.2007й.	30	10	209.67	108.88	51,9%
Навоий то ¥-кон металлургия комбинатини модернизация килиш дастури	07.08.2007й.	24	1	892,1	33	37.0%
Олмалик тол-кон металлургия комбинатини модернизатия килип	09.08.2007й.	13	-	405.3		-
дастури Фармацевттика саноатини модернизатция килиш дастури	19.11.2007й.	39	5	26,47	5,1	19.3%
2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналар ини модерниза- ция килиш дастури	05.12.2007й.	26	9	255,06	13,57	5,3%
Киплок хўжалик машинасозлигини модернизацыя килиш дастури	07.04.2008й.	13	-	27,98	-	-
Жами		360	103	2833,12	775,15	38,2%

Бу ўринда мазкур тармок дастурларини амалга ониришни тезлаштириш вазифаси қўйилмокда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг кам ташки, хам ички бозорда барқарор мавкега эта булишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан — жорий контыонктура кескин ёмонлациб бораёттан хозирги шароитда экспортга ма хсулот чикарадиган корхоналарнинг ташки бозорларда ракобатдоги бўлишини кўллаб-кувватлаш бўйича конкрет чоратадбирларни амалга отпириш ва экспортни рагбатлантириш учун кўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблагларини тулдириш учун корхоналарга Марказий банк кайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортик булмаган ставкаларда 12 ойгача булган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;
- тайёр махсулот ишлаб чикаришга ихтисослаштан, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетта барча турдаги солик ва тўло влардан кўшимча киймат солиги бундан мустасно озод килиш муддатини 2012 йилгача узайтириш:
- банклар кредитлари бўй ича тўлов муддати ўлтан ва жорий карзлар микдоряни кайта кўриб чик иш, бюджетта тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечнін ва бошка мужим имтиёз ва преференциялар бериш (2.2.2-расм).



2.2.2 - раем

Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобагдошлигини ошириш.

Шу максадда якинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодиётимиздаги етакчи тармок ва сохаларда махсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маькулланганини кайд этиш лозим.

Бунинг у чун ҳар бир хўжалих юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйи ча таннархни пасайгириш омиллари тўгрисида кенг ва чукур тасав вурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида куйи дагиларга алоҳида эьтибор каратиш максадга мувофикдир (2.2.3-расм).

Таннархии пасайтиришнинг асосий йуналишлари



2.2.3 - расм.

Махсулот таннархини иасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чикариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг махсулотлари таннархини 20% га камайтириці бўйича 2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба оркали таннархни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари қулланилди:

- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чикиш ва пасайтириш (-24%);

- материатнар сарфи меъёрларини қайта куриб чиқиш (-0,06%);
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш (-1%);
 - махсулотлар ишлаб чикаринт технологиясини ўзгартириш (-0,05%);
 - фойдаланилмаётган кувватларни консервация килиш (-2%);
 - ишчилар ва ходимлар сонин и оптималлаштирин (-0,3).

Умумий холда Тошкент трактор заводининг махсулотлари таннархини оптималлаштириш оркали тракторлар таннархини 17% га, прицеплар таннархини 22% га пасайтириш бўйича таклифлар ипплаб чикилди (2.2.4-расм).

Шунингдек, хозирда таннархни камайтириш бўйича белгилан ган парамегрларга эришиш учун рахбар ва масъул ходимларни рагбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чикиш кўзда тутилмокда.





2.2.4-расм

Шу билан бирга, Инкирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чикилган (2.2.5-расм).

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Рансининг, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимларининт ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйнча ёрдамчилари, гуман ва шахар хокимларининг минтакавий семинарлари матгериаллари. 14 январь - 1 февраль 2009 йиг.

Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархлар (тарифлар) динамикаси, олдинги йилга нисбатан, фоизда



2.2.5-расм

Масаланинг яна бир мухим томони - мазкур сохалардаги нархлар даражасини тартибга солиш билан бир каторда, уларнинг ишлаб чикариш рентабеллигини таьминлашни хам эъгибордан четда колдирмаслик лозим.

Тўртинчидан — электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Жумладан. бу борада **Ўзбекистон** Республикаси Монопол иялан чикариш, тадбиркорликни ракобат ва құллаб-құвватлаш **тавлат** ташаббуси құмитаси билан амалга оширилаётган электр энергияси таъминоти тизимига

Иктисодиётимизнинг ракобатдошлигини янада кучайтириш, ахоли фаровонлигини юксалтириш куп жихатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан канчалик тежамли фойдалана олишимизга богликдир.

И. Каримов (асардан).

хусусий операторларии жорий қилиш оўйича амалий тажриба натижаларини мисол килиб кўрсатиш мумкин. Мазкур амалий тажрибани ўтказишдан максал фойцалання ап электр эпергияси учун хисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар хисоб-китобини тўгри йўлга кўйиш жамда истеъмол даврида электр энергияси йўкотишларни камайтиришдан иборат эли.

Ушбу максадта эришиш учун Тошкент шахар Бектемир тумани мисолида электр энергиясини таксимлаш ва сотиш бўйича мустакит (хусусий) операторни жалб китиш механизми ишлаб чикилди. Бунда хусусий операторни танлаш бўйича махсус комиссияси тузилиб, тариф сиёсати ва шартнома лойихалари катый келишиб олинди. Жумладан, хусусий операторни танлаш шартпари сифатида куйидагалар белгиланди:

- тегишли бизнес режанинг мавжуд бўлиши;
- хўжалик юритиш фаолияти бўйича камида 2 йил иш тажрибаси га эга бўлиши;
- электр энергиясини сотиш фаолияти учун камида муайян тумандаги электр энергияни истеъмол қилилининг 3 ойлик микдорига тенг молгиявий маблагларга эта бўлиши;
 - мавжу д дебиторлик қарздо рликни ундиришни ўз зиммаси олицти;
 - максимал баллга эта бўлинти ва шартнома тузицій;
- 30% макдоридаги олдиндан тўлов хамда хар ойнинг якунидан сўнг 30 кун давомида якуний хисоб-к итоб хисоботларини амалга ошириши.

Шундай танловларда голиб чиккан хусусий операторлардан бири ДХО «Shosh Energo» корхонаси хисобланади. Ушбу корхонани электр энергиясини сотиш хизматига жалб килиш оркали эришилган икт исодий самарани куйидаги жадвал оркали куриш мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал ДХО «Shosh Energo» корхонасини электр энергиясини сотили хизматига жалб килиш оркали эришилган иктисодий самара

Кўрсаткич	Тажрибадан олдинги холат	Тажрибадан кейинги холат	Натижа, фонзда
Мавжуд дебиторлик қарзлари, млн.сўм	3379,0	443,0	- 86
Жисмоний шахс бўлган абонентлар сони	9883	10122	+ 2
Юридик шахс бўлган абонентлар сони	326	426	+ 31
Электр энергиясидаги йў котиш микдори, фоиз	36,4	15,6	- 20,8 (мутлак) - 57 (нисбий)

Жадвалдан кўринадики, электр энергияси сотиш хизматини хусусий операторга ўтказилиши натижасида мавжуд дебиторлик қарзлари 86% га кискарган, абонентлар сони жисмоний шахслар бўйича 2%, юридик шахслар бўйича 31% га ортган, электр энергиясидаги йўкотиш микдори мутлак холда 20,8% га, нисбий холда эса 57% га пасайган.

Бундай илгор тажрибани оммалаштириш максадида хозирги кунда хусусий операторлар Тошкент шахрининг Бектемир, Сиргали, С.Рахимов туманларида хам ташкил этижиб, фаолият юритиб келмокда. Шунингдек, хусусий операторларни жалб килиш бўйича Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ишлар бошланган. Бундан ташкари, хусусий

операторларни табиий газ ва сув таъминоти тизимига жалб килиш бўйича кент кўламдаги ишлар амалга оширилмокда¹.

Бемлинчидан — жахон бозорида талаб пасайиб бораёттан бир шароитда, ички бозорда талабни рагбатлантириш оркали махатлий ишлаб чикарувчиларии кўллаб-кувватлаш иктисодий ўсишнинг юкори суръатларини саклаб колишда гоят мухим ахамиятга эта.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутади (2.2.6-расм).

Жадвалдан кўринадики. 2004 йилда 201 та махаллийлаштириш лойихаси доирасида 135 та корхона иштирок этган бўлса, 2008 йилга келиб лойихалар сони 310 тага, уларда иштирок этган корхоналар сони эса 166 тага етган.

Махаллийлаштириш буйича амалга оширилган лойихалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони



2.2.6 - расм

Махаллий ишлаб чикару вчиларни кўллаб-кувватлаш борасида хозирда 2009 йинга саноат кооперация негизида тайёр махсулот, бутловчи кисмлар ва материаллар ишлаб чикаришни махаллийлаштириш дастури. Узбекистон электротехника саноати корхоналарини модернизация килиш ва техник кайта жихозлаш дастури, «Узбекчармпойабзали» ассоциацияси корхоналарини модернизация килиш ва техник кайта жихозлаш дастури. Узбекистон миллий автомагистрали курилици дастури ва бошкалар ишлаб чикилмокда. Айникса, бу вазифани бажаришда ишлаб чикаришни махаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутади. Ушбу

¹ Қорақалпоғънстон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг. вилоятлар ва Тошкент шахар хомимларининт ўринбосарлари, маснавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари. туман ва шахар хомимларининт минтақавий семпнарлари материаллари, 14 январь — 1 февраль 2009 йил.

дастур доирасидаги люйихалар хажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмокда (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал 2009 йилда саноат ко>операци яси асосида тайёр махсулот, буглов чи буюмлар ва материаллар ипплаб чикаришни махаллийлаштириш Ластури

Кўрсаткич номи	У лчов бигрлиги	2009 йил (мўлжал)		
курсаткич номи	элчов ом рлиги	Сони	Ўсиш сурати, %	
Амалга оширилтан лойихалар сони	бирлик	1056	346,2	
Корхоналар сони	бирлик	364	222,0	
Ишлаб чикариш хажми			-	
амалдаги нархларда	млрд. сўм	5 736,7	185,3	
солиштирма нархларда	млрд. сўм	4 861,6	189,0	
Экспорт хажми	млн. долл.	1 101,6	133,0	
Махаллийлаштирилган махсулотнинг ялпи саноат ишлаб чикаришдаги улуши	N	18,4		
Импорт ўрнини босиш самарадорлиги	млн. долл.	4 058,6	173,3	

Юкорида кўриб чикилган асосий вазифаларнинг изчил ва огишмай бажарилиши пировардида мамл акатимиз иктисодистининг янада баркарор ва юкори суръатлардаги ўсицци хамда жахон молиявий инкирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

2.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНІИ МАХАЛЛИЙЛАШТИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА БОШҚА И СТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Инкирозга карши чоралар дастурида ишлаб чижаришни махаллийлаштириш, озик-овкат ва бошка истеьмол товарлари ишлаб чикаришни кенгайтиришни рагбатлантириш тадбирлари ахамиятли ўрин тутади.

Махаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикамиз корхоналарида замонавий тал абларга жавоб берувчи, ракобатбардош ва импорт ўрнини босувчи махсу лотларни ишлаб чикаршп хажмини отшириш, асоссиз импорт хажмини кискартириш, экспортбоп махсулотларни ишлаб чикаршп, янги иш жойларини яратиш каби максадларни намоён этади. Мазкур дастурнинг ривожланиш боскичлари Президентимиз ва хукуматимиз томонидан кабул килинган бир катор меъёрий хужжатлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли карори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли карори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли карори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли карори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли карори оркали белгилаб берилган.

Мам лакатимизда маҳаллийлаштириш жараёнларининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулайликларнинг роли бекиёсдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПК-879-сонли қарорига кўра бутловчи кисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом-ашё турларини ишлаб чикарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келгириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эхтиёт кисмлар, шунингдек махаллийлаштириладиган махсулотлар ишлаб чикаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чикарилм айдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийла штириш йигимларидан ташкари);
- махаллийлаштириш лойихалари бўйича ишлаб чикарилган махсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солик солишнинг соддалаштирилган тизимини кўллайдиган субъекглар учун);
- махаллийлаштириладиган махсулотлар ишлаб чикариш учун фойдаланылладиган асосий ишлаб чикариш фондлари бўйича мулк солиги тўлашдан озод килинадилар.

Маҳаллийлаштириш жараёнларини кучайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантириш мақсадида Маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳаларни киритишнин мақсадиа мувофиклигини баҳолашга қүйиладип ан қуйилаги ягона мезонлар ва талаблар мажмун ишлаб чиқилган:


- Иқтисодиёт вазирлигининг хулосасига қўра мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий устуворликларига мувофиклик;
- махаллийлаштириладиган махсулотты ишлаб чикаришни ташкил этиш учун қувватлар ва хомашё ресурсларининг мавжудлиги;
- махаллийлаштирын даражаси боскичма-боскич ошириб борилган холда ишлаб чикариш бошланган пайтдан бошлаб 12 ой мобайнида ишлаб чикарилаё тган махсулот бўйича махаллийлаштирын даражасининг камида 30 фоизга ститши:
- ТИФ ТН коди бўйнча пировард махсулот товар позицияси бошлангич хомашёга таккослаганда камида биринчи 4 белгилардан бири даражасига ўзгариши таъминланиши;
- махаллийлаштириладиган махсулотнинг сотиш нархи ана шундай импорт қилинадиган махсулот нархидан юқори бўлмаганда лойиханинг итктисодий ўзини қошаши (Ўзбекистонгача бўлган транспорт сарфх аражатлары, божхона ва солик тўловлари хисобга олинган холда);
- Иқтисодиёт ҳамда Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликла рининг хулосаларига кўра маҳаллийлаштириладиган маҳсулотта и чки ва ташки бозорларда барқарор талабнинг мавжудлиги;

- махаллийлаштириладиган махсулотга нисбатан халқаро стандартлар буйича ишлаб чиқариш бошланған пайтдан бошлаб 18 ой мобайнида сифатни бошқариш тизими жорий этилиши.

Белгилантан қулай шарт-инароитлар ва имтиёзлар натижасида Махаллийлангириш дастури доирасидаги ишлаб чиқариш хажми йилдан-йилга ошиб бормоқда (2.3.1-расм). Расмдаги маълумотлардан куринадики, мазкур курсаткич 2006-2008 йиллар мобайнида автомобиллар билан хисобланганда 1,9 марта, автомобилларсиз 3,5 марта усган.

Шунинг дек, мамлакатимизда озик-овкат ва бошка истеъмол товарлари ишлаб чикаришни кенгайтиришни рагбатлантиришта хам катта эътибор каратилмокда. Бунинг натижасида 2008 йилда мамлакатимиз худудларида истеъмол товарларни ишлаб чикариш хажми сезиларли даражада ўсди (2.3.1-жадвал).

Махаллийлашт ириш дастури доирасида ишл аб чика риш хажми, млрд. сўм



2.3.1-расм


Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда республикамизда истеъмол товарларни ишлаб чикариш хажми 7436,5 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 2007 йилдагига нисбатан 117,7% га кўпдир. Айникса, бу кўрсаткич Тошкент шахри (123,6%), Самарканд (124,56%), Андижон (122,2%) вилоятларида юкори бўлган.

2.3.1-жадвал 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси худудларида истеъмол

товарларни пшлаб чикариш хажми 2007 йилга нисбатан Хулуллар млол. сўм ўсиш сурьати, % Коракалиогистон Республикаси 102.6 115.2 122.2 Андижон 2151.9 401,6 106,9 Бухоро Жиззах 155.2 116 Кашкада рё 246.7 117,3 Навоий 161,9 115,2 266,5 116,3 Наманган 687.9 Самарканд 124.5 142 Сурхондарё 112.6 Сирдарё 110.8 117,8 Тошкент 785.4 111.3 639.1 106 Фаргона 152,2 108,9 Хоразм Тошкент шахри 1432.7 123.6 7436.5 Республика бўйича 117,7

Агар истеъмол товарларини ишлаб чикаришда худудларнинг улушини бахолай диган бўлсак (2.3.2-расм), бу борада энг юкори кўрсаткич Андижон вилояти (29%). Тошкент шахри (19%) ва Тошкент вилоятига (11%) тўтри келмокда.

Истеъмол товарлар ишлаб чиқаришда худудларнинг улуши (2008 й)



2.3.2-расм.

Озик-овкат ва ботнка истетьмол товарлари ишлаб чикаришни кенгайтиришни рагбатлантириш бўйича кабул килинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чикариш корхоналари учун кенг кўламли рагбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнянг 1 январигача ку йидаги солик ва божхона имтиёзпари берилмокда:

- гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблагларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация килишга мақсадли равишда йўналтириц шарти билан ягона солик тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;
- тайёр ноозик-овкат товарларнинг муайян турларини ишлаб чикаришга ихтисослаштан корхоналарни фойда ва мулк соликларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солик туловидан озод килиш.

Президентимиз ўз асарларининг Инкирозга қарши чоралар дастурига багишпанган кисмини якунлар эканлар, «Хеч шубҳасиз, Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга опиришда иқтисодиёгимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпрок манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рагбатлантириш чораларини излаб топити катта аҳамият касбэтади» 1, деб таькидладилар.

3-БОБ. «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АХАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎН**А**ЛИШЛАРИ

3.1. «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЕТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛГИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маълумки, шу йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йигилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон килинди. Президентимиз ўз маърузаларида кишлокда тарақкиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмутп даражасини ошириш;
- қишюқ ахлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ху қу кий ба зани муста қ камлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларин**и** янада ривожлантирині;
 - кишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги погонага кўтариш;
- қишлоқ ахолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;

¹ Каримов И.А. Жахон молыявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йулари ва чоралари. – Т.: Узбекистон, 2009, 36-б.

- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чукурлаштириш, фермерлик ҳаракатини кўллаб-кувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинт манфаатларини химоялаш;
- ер, тупрок унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив холатини яхшилаш¹.

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш максадида «Кишлок тараккиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чикилди хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Карори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакплари, механизмлари ва кутиладиган натижалар тўлик ўз ифодасини топган. Дастур асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та банда ўз ифодасини топган (3.1.1-жадвал).

Президентимиз ўз маърузаларида «Қишлоқ гараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал ахамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ конунчилик ва норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустахкамлаш, янги конунлар қабул килиш, тегишли қонун хужжатларига. Ер кодексига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш зарур.

Қинтлокда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан окилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив холагини яхшилаш масалаларига алохида эътибор қаратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини кушимча равишда куллаб-қувватлаш. унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидап, дастурда белгилаптан вазифалар орасида кинлокларимизда хаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш принципиал мухим ва хал килувчи ахамият касб этади. Бунинг учун кишлок ахоли пунктларини меъморий жихатдан лойихалагштириш ва куриш ишларини ташкил этипі тизимини тубдан қайта кўриб чикиш лозим.

Худу дларнинг меъморий-лойихавий курилиши бўйича бош планлари ишлаб чижилишини таъминлаш, минтакаларнинг иклими, демографик холати

68

¹ Президент Ислом Каримовиянт 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганлигчининг 16 йиллигига бағишланлан йиғилигида сўзлаган маърузаси.

ва бошка шарт-шароитларини хисобга олган холда, кишлок уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация килинган намунавий лойихаларини тайёрлаш даркор.

3.1.1-ж адвал «Кишлоқ тараққиёти ва фар овонлиги йили» Давлат дастурингинг асосий йўналишлари

***	асосии пуналишлари
Бўлим- лар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўликрок таъминлаш учун конунчилик ва меъёрий-хукукий базани янада такомиллашти риш ва мустахкамлаш
11	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соха объектларини қуришни лойнхалаштириш, қишлоқ ахоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштири ш
IN ————	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш
ΓV	Махаллий қурилиш материалларини ишлаб чикаришни кенгайтириш, махаллий материаллардан йигма конструкциялардан фойдаланган холда кишлокда индустриал ва йигма технологияга қурилишини жорий қилиш
V	Электр энергияс и билан таъминловчи мавжуд корхоналарни рекон струкция килиш ва янгил арини куриш хисобидан кишлокни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш
VI	Қишлоқ хужалигида икгисодий ислохотларни боскичма-боскич чукурлаштириш, фермер хужаликларини қуллаб-кувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш, имтиёзлар бериш, жишлокда шаклланадиган янги мулкий муносабатларни, урта табақа-мулкдо рларнинг. тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли химоя қилиш
VII	Сугориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдикланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш бўйича максадли комплекс чоратадбирларини амалга оштириш оркали тупрокнинг унумдорлигини тубдан ошириш
VIII	Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жихозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик махсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш сохасини янги сифат даражасига кўтариш асосида кишлок ахолисини, аввало ёшларни иш билан таьминлаш, фукароларни нг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
ΙΧ	Фукароларнинг соғлигиғи химоя қилишни яхшилаш, ахолининг тиббий маданиятини сошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги погонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини мутаҳкамлаш

Бу вазифаларни бажариш учун якинда махсус «Киплок-курилишлойиха» лойиха-тадки кот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлаконли фаолият бошлашини тезлаптириш, уни юкори малакали кадрлар билан мустахкамлаш ва уларнинг олдига аник ва равшан вазифалар кўйиш керакки, жорий йилнинг ўзидаёк биз янги архитектура бош планлари ва намунавий лойихалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлиппимиз лозим.

Та бийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлок жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма композицион ва кичик блокли конструксияларни қуллаган қолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Вилоятлар ва туманлар қокимликлари «Узкурилишматериаллари» компантияси билан биргаликда мақаллий хомашёдан қурилиш материаллари иппаб чикаришни тапткил этиш, пишиқ ғишт, том ёпиш,

пардозлаш ва бошка максадлар VЧVН керак бўладиган материалларни ишлаб чикариш бўйича минитех нология ларни жорий етиш, мавжуд норуда конларини қайта гиклаш хамда реконструкция килишга доир ишлаб махсус дастурларни чикиши лозим.

Қинноқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий бахолаб, уни кенгайтириш бўйича қушимча

Биз киштокда нафакат обол аходи масканлари ва замонавий уйларга, балки йўллар, **УЗЛУКСИЗ** таъминоти, ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармогига - бу кишлок врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта бў ладим и, хизмат курсатиш, шохобчалари бўладими - ана шундай ва бошка тузилмаларга эга бўлишимиз керак. И.Каримов (асардан).

маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлокларда ахолини, айникса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг мухим омилларидан бири хисобла нади.

Бел гиланган чора-тадбирларни амалга опшриш учун кишлок курилиши буйича худудий булимларга эга ихтисослаштан банк ташкил этиш масаласини куриб чикиш максадга мувофикдир. Туманларда намунавий лойих алар буйича уй-жойлар, кишлокларда ишлаб чикариш ва ижтимомий инфратузилма объектларини куриш буйича ихтисослаштан хусусий пудратчи корхоналарни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлашта ёрдам курсатиш зарур.

Учиницан, дастурини асосий вазифаен — кинпокда саноат ишпаб чикаринги ва курилишни жадат ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва махсулотларини кайта ишлаш бўйича замонавий техника хамда технологиялар билан жихозланган ихчам корхоналарни ташкит этиш чоратадбирдарини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг микесда қуйилмоқда – яъни, қишлоқ хужалик махсулот ларини ишлаб чикаришни кенгайтириш хисобидан кишлокда ихчам технологиялар билан жихозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхонал арини шақплантириш ва уларнинг кенг куламда фаолият

юритиши учун хар томонла ма мустахкам хомашё базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чикаритн қувъзатлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барно этилини даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотти ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўк.

Энг мухими, қайта инглаш корхоналарини ташкил етиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишло қларда ёншарни иш билан таъминлаш му аммосини хал этиш имкониятыга эга бўламиз.

2008-2012 Тўртинчидан, йилларда сугориладиган еругариинг мелиоратив қолатини яхшилаш давлат дастурида қўзда тутилган чоратадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига – яъни, майдондарининг медиоратив ахволини яхшилаш, фаодият күрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник таьминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, курилиіп ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, уларни замонавий техника билан жихозлаш масалаларига алохида эътибор каратиш даркор.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПК-817-сон «2008-2012 йилларда сугориладиган ерлариинг мелиоратив жолатини яхшилат давлат дастури тўгрисида»ги карорига мувофик хисобот йилида мазкур Лавлат дастури доиграсила жами 92.9 млрд сўмлик (123.8%) мабдағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумладан, реконструкция килищ ва курины бўйича 47 та лойиха (22,4 млрд. Сўм) хамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган яхшилаш мақсадида 266,5 километр ерларнинг мелиоратив холатини масофадаги коллектор-дренаж тармоклари реконструкция килинди **УЗУНЛИГИ** 11052,7 километр магистрал, туманлараро курилди, хўжаликлараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 километр масофада ёпик-ётик зовур тармоклари таъм ирланди хамда лизинг асосида 144 дона пидравлик занжирли экскаваторлар келтирилиб, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат уни тар корхоналарига етказиб берилди.

Сугориладиган ерларгинг мелгиоратив холатини яхшилаш, ту прокнинг унумдорлигини тубдан ош ириш борасида 2009 йилда 3710 га ер майдонида томчилаб сугоришни ташкил килиги кузда тутилмокда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгилаб берилган мухим чора-тадбирлар ва уларни молиялаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблаглар ҳажми тўгрисидаги маълумотлар билан мазкур ўкув қўлланма сўнгида келтирилган ило ва орқали танишиш мумкин.

3.2. ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ ҚАМДА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

2009 йилда алохида эьтибор қаратиш лозим бұлған энг мухим устувор вазифалардан бири кишлокда турмуш даражасини юксалтиришга, киндлокларимиз киёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боглик кенг куламли чора-тадбирларии онириш. йномитжи coxa ва ишлаб чикарии ама лга инф ратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириці, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг макоми, ўрии ва ахамиятини тубдан кайта күриб чикиш, фермер хужаликлари ривожини хар томонлама куллаб-кувватлаш хисобланади. Айни пайтда мазкур устувор йўналиш хамда «Кишлок тараккиёти ва фаровонлиги

йили» Давлат дастури нафакат 2009 йил, балки ўрта муддатли истикбол учун белгилаб олинган.

Ушбу дастурдаги барча максалли вазифа параметрларнинг пировард бажарилиши натижада VTVH бvт \mathbf{v} н масъулият худудий комиссиялар зиммасига юкланиб. конктрет дастурларда белгиланган вазифалар кайси Xap худуд бўйича канлай остжи этилаётганига қараб, мутасадди шахеларнинг ушбу дастур оркали күйилган вазифани кай даражада тушу ниши ва бажарилишини

Кишлокларимиз киёфасини, кишлокда хаёт сифатини, ницаб чикариш му но сабатла рининг мазмун-мохиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуила одиб борилаётган ислохотларни чукурлаштиришга, охир-окибатда кишлок ахолисининг ижтимонй-сиёсий ва маданий савиясини, унинт онги ва фукаролик масъулиятини оширишта қаратилган, биз учун ўта долзарб ахамиятга эга бўлган давлат дастуринн бажаришга ушбу киришар эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифамиз уни амалга ошириш бўйича истикболлаги барча ишларни мустахкам ташкилий жосга куйищдан иборатдир. Н.Каримов (асардан).

таъм инлаши, кискача айтганла, уларнинг замонавий рахбарга писбатан куйилгадиган талабларга канчалик жавоб бериши тугрисида хулоса чикариш имкони пайдо булади.

Кишлокда турмуш даражасини юксалириш хамда кишлокларимиз киёфасини ўзгартиришга қарагилган чора-тадбирлар ичида энг аввало кишлокда яшаётган ахоли манфаатларини янада тўларок таъминлаш максадида конуний-меъёрий хужжагларии такомиллаштириш мухим хисобланади. Чунки, ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг амал килиш самарадорлиги кўп жихатдан уларниш хукукий ва иктисодий асосларини уйгунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўгри ишлаб чикилишига боглик.

Бу борада фермер ва дехкон хўжалыклари тўгрисида, сув ва сувдан фойдаланиш конунларига, Ер кодексига ва бошкаларга кўшимча киритиш ва кўриб чикиш лозим бўлади.

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистоп Республикасынинг хўжаликлари тўгрисида»ги хамда «Дехкон конундари мамдакатимиз кинлок хўжалиги чикаришини самарали йўлга кўйиш, унда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган шакпларини карор тонтириш ва томонлама ривожлантириш учун хукукий асос ролини бажарди. Бирок. дехкон хўжаликлари ўзининг мамлакатимиздаги фермер ва ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рагбатлантирувчи омилларни белгилаш, иктисодий дастак ва механизмларни ишлаб чикишни такозо этмокда. Буларнинг барчаси энг аввало Ушбу жараёнларни ху кукий жихатдан тартибга солувчи конунларда ўз ифодасини топмоги лозим.

Ижтимоий-иктисодий тараккиёт табиий ресурслар, уларпинг қайта тикланмайдиган турлари хисобланувчи ер ресурсларидан тежамли ва эхтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига құймоқда. Маълумотларга құра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўгри келувчи экин майдони 0,171 гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 0,136 гектаргача, яъни 1,3 марта кискарган. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш буйича конунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмокда. Айникса, кишлок хўжалиги ахамиятидаги ерларнинг ушбу максадда фойдаланиш лоирасилан чикиб кетиши жараёнларини тартибга солишда участкаларини нокишлокхўжалик максадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чи килиши мухим хисобланади.


кишлокларим из Шунингдек, киёфасини ўзгартиришда **КИ**ШЛОК жойларда лойихал аштириш тизимини ва курилишни тубдан такомиллаштиришга қаратилган, жұмладан, кишлок яшаш жойларини бош схема ва архитектура лойихалари асосида куриш, махсус лойихалаштириш ташкилотини. махсус кишлок курилиш банки, махсус қил иш бўйича Ўзбекистон Республикаси ташкилотларини ташкил Президентининг фармонлари ва карорларини тайёрлаш ва амалга жорий этиш зарур.

Жумладан, кишлокда ахоли жойлари архитектураси ва курилишни лойихалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали кишлок уйжойлари ва ижтимо ий объектларини курици лойихаларини табиий иклим шароитини хисобга олган холда ишлаб чикиш мухим хисобланади. Бу намунали үй-жойлар лойихаларини эксперимент Капткадарё вилоятининг Дехконобод тумапи, Андижон вилоятининг Кораколпогистон Республикасининг тумани, туманида янги илгор курилиш технологиялари аеосида амалга оширилиши эътиборга моликдир. Айни пайтда, мазкур тадбирларни оммага кенг ёйиш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш бу борада ва мусобақалашув рухини шакллантириш мақсадида «Энг яхши қишлоқ» номли танловнинг ўтказилиши максадга мувофик хисобланади.

Кишлокда турмуш даражасини юксалтириш кўп жихатдан ахолининг соглинини саклаш, маданиятини ошириш, тавлим тизими сифатини янада кўтариш билан богликдир. Бу эса, биринчи навбатда, инвестиция дастурлари асосида согликни саклаш муассасаларини тиббиёт техникаси ва аппаратуралар билан тавминлашни такозо этади.

Қишлоқ жойларида таълим тизими ва болалар спорти моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йилда кўплаб объектларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда (3.2.1-раем).

2009 йылда қашлоқ жойларида ишга тушприш қузда тутилган таълим тизими ва болалар спорти объектлари, дона



3.2.1-расм.

Бу эса қишлоқларимиздаги ёшларнинг кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жихозлар билан гаъинланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари хамда спорт билан шуғулланишлари учун моддий асос яратади.

Шунингдек, кишлок ахолисининг соглигини саклаш, маданиятини ошириш. таълим тизими сифатини янада кутаришда куйидаги йуналишлардаги ишларни кучайтириш кузда тутилмокда:

- қишлоқ жойларда жойлашған мехрибонлик ва мурувват уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамташ;
- қишлоқ ахолисининг соғлиғини сақлаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва коллежлар Укитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва коллежларидаги ахборот ресурс марказларини халқаро интернет тармоғита улаш ва ҳ.к.

3.3. ҚИШЛОҚДА ИЖТИ МОИЙ СОХА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМА СИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛА ШТИРИШ

Республикамизда кишлок ободонлигини хамда унинг ахолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иктисодий сиёсатининг диккат марказида бўлиб келмокда. Айникса, киплок ахолисини уй-жой билан таъминлашнинг ахамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормокда. Агар 1996 йклда кишлок уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга стган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани холда, бу кўрсаткич шахарда 118,6% ни, кишлокда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса кишлок фаровонлиги ва ободончилишнинг ошишида мухим шарт-шароит яратади.

«Қишлоқ тарақкиёти ва фарово нлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яҳшилаш чора-тадбирларини кучайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чикиш мақсадга мувофик ҳисобланади. Шу асосда қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалға оширилади. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Шунга кўра, 2009 йилда кишлоқ яшаш жойла рини тўла интентаризацияда ўтказиш максалга мувофикдир.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириш максадида хусусий қурилиш уюшмалари фаолиятини ташкил этишни йўлга куйиш мухим тадбирлардан хисобланади. Ушбу жараёнларни ахоли кенг эътиборига етказиш борасида кишлокларда курилаётган намунали уй-жойлар тўгрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш хам кўзда тутилган.

Кейинги йилларда кишлокдаги ахолининг хар 1 киши хисобига уйжой билан ўртача таьминланганлиги ошиб бормокда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг опшишига таъсир килувчи шарт-шароитлар хам яхшиланиб бормокда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан тазминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бирок, хали кишлок ободончилигини таъми нлашда хал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Жумладан, йиллаю давомида борастганлигига қарамай, бугунги кунда қишлокдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссик сув таьминоти (2,3%), ванна (2%) билан таьминланиш даражаси жуда паст.

Шунга кўра, хозирда кишлок худудларини сув билан барқарор таьмянлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини куриш, 304 та объектни

реконструкция килиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чикиш тадбирларини хам ўз ичига олади. Шу каторда 2009 йилда узунлиги карийб 700 километрлик табиий газ тармокларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлгирилган газ билан гаъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Кишлок жойларининг ободонлиги ва ахолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, 2009 йилда кишлок жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш максадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга кўйиш ва 1913,9 км махаллий йўлларни таъмирлаш кўзда гутилган.

Ахоли турмуш даражаси кўп жихатдан хизмат кўрсатиш ва сервис сохасининг ривожига боглик. Айникса, ахолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси кишлокдаги турмуш фаровонлигига сезиларли тавсир кўрсатади. 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, кишлокда хизматлар сохасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортик минибанклар ташкил этиш, кишлок ахоли яшаётган жойларда телефон ва алока тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, кишлок жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш максадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустахкамлашнинг 2009-2011 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чикиш, ободонлаштириш ишлари ташкил килиш ва разбатлантириш коидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмокда.

Ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига мах аллий қурилиш материаллари ишлаб чикаришни кенгайтириш, қинтлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини хам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чикариш қувватларини ишга туш ириш, мавжуд ишлаб чикариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва технык қайта қуроллантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлок жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазишларини ташкил китиш хам шулар жумласидандир.

Кишлокни ёкилги энергетика захиралари билан баркарор таъминлаш учун кулай шароитни ярапиш борасида мавжуд электр ва газ тармокларини тўла инвентаризация килиш, янги электр ва газ тармокларини куриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция килиш, узок жойларда жойлашган кишлокларни газ ва кумир билан таъминлашга мулжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

3.4. ҚИШЛОҚДАГИ МУЛКДОР ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ АХАМИЯТИНИ ОШИРИШ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖИНИ ХАР ТОМОНЛАМА КЎЛЛАБ-КУВВАТЛАШ

Қишлоқ хўжалигидаги иктисодий ислохотларни боскичма-боскич чукурлаштириш, кишло кдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг ахамиятини ошириш, фермерлар хар акатини кўллаб-кувватлаш — «Қишлок тараккиёги ва фаровонлиги йили» Давлат дасту рининг асосий таркибий кисмларидан хисобланади.

